

1626/4323 - عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمَّا فَرَغَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ حُنَيْنٍ

بَعَثَ أَبَا عَامِرٍ عَلَى جَيْشٍ إِلَى أُوطَاسٍ، فَلَقِيَ دُرَيْدَ بْنَ الصِّمَّةِ، فَقُتِلَ دُرَيْدٌ وَهَرَمَ اللَّهُ أَصْحَابَهُ، قَالَ

أَبُو مُوسَى: وَبَعَثَنِي مَعَ أَبِي عَامِرٍ، فَرَمِيَ أَبُو عَامِرٍ فِي مَكْبَتِهِ، رَمَاهُ جُشَمِيُّ بِسَهْمٍ فَأَثْبَتَهُ فِي مَكْبَتِهِ،

فَانْتَهَيْتُ إِلَيْهِ فَقُلْتُ: يَا عَمَّ مَنْ رَمَاكَ؟ فَأَشَارَ إِلَى أَبِي مُوسَى، فَقَالَ: ذَاكَ قَاتِلِي الَّذِي رَمَانِي،

فَقَصَدْتُ لَهُ فَلَحِقْتُهُ، فَلَمَّا رَأَيْتَنِي وَلى، فَاتَّبَعْتُهُ وَجَعَلْتُ أَقُولُ لَهُ: أَلَا تَسْتَجِي، أَلَا تَتَّبِثُ، فَكَفَّ،

فَاخْتَلَفْنَا ضَرْبَتَيْنِ بِالسَّيْفِ فَقَتَلْتُهُ، ثُمَّ قُلْتُ لِأَبِي عَامِرٍ: قَتَلَ اللَّهُ صَاحِبَكَ، قَالَ: فَانْرِغْ هَذَا السَّهْمَ،

فَنَزَعْتُهُ فَتَرَا مِنْهُ الْمَاءَ، قَالَ: يَا ابْنَ أَخِي، أَقْرَبِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ السَّلَامَ، وَقُلْ لَهُ: اسْتَغْفِرْ

لِي. وَاسْتَخْلَفَنِي أَبُو عَامِرٍ عَلَى النَّاسِ، فَمَكَتَ يَسِيرًا ثُمَّ مَاتَ، فَرَجَعْتُ فَدَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَيْتِهِ عَلَى سَرِيرٍ مُرْمَلٍ وَعَلَيْهِ فِرَاشٌ، فَدَأَّرَ رِمَالُ السَّرِيرِ بَطْهَرَهُ وَجَنْبَيْهِ، فَأَخْبَرْتُهُ بِخَبْرِنَا

وَخَبَرَ أَبِي عَامِرٍ، وَقَالَ: قُلْ لَهُ: اسْتَغْفِرْ لِي، فَدَعَا بِمَاءٍ فَتَوَضَّأَ، ثُمَّ رَفَعَ يَدَيْهِ فَقَالَ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِعَبِيدِ

أَبِي عَامِرٍ. وَرَأَيْتُ بِيَاضَ إِبْطَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَوْقَ كَثِيرٍ مِنْ خَلْقِكَ مِنَ النَّاسِ.

فَقُلْتُ: وَلى فَاسْتَغْفِرْ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَيْسٍ ذَنْبَهُ، وَأَدْخِلْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مُدْخَلًا كَرِيمًا.

1626.4323. Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Хунайн ғазотидан фориф бўлгач, Абу Омирни қўшинга бош қилиб Автосга жўнатдилар. У Дурайд ибн Симма билан тўқнашди. (Дурайд) ўлдирилди, шерикларини эса Аллоҳ мағлуб этди. У зот мени ҳам Абу Омир билан бирга жўнатган эдилар. Абу Омир тиззасидан ўқ еди. Унга бир жушамий ўқ отиб, санчиб қўйган эди. Мен унинг олдига бориб, «Эй амаки, сизга ким ўқ отди?» дедим. У: «Менга ўқ отган қотилим ана шу» деб, уни кўрсатди. Мен у томон қасд қилиб, унга етиб олдим. У мени кўриб, орқасига қочди. Унинг кетидан тушиб, «Уялмайсанми? Жойингда турмайсанми?» дея кетдим. Шунда у тўхтади. Биз

баравар қилич урдик, мен уни ўлдирдим. Кейин мен Абу Омирга: «Аллоҳ рақибингни ўлдирди», дедим. У: «Мана бу ўқни суғургин», деди. Мен уни суғурган эдим, ўрнидан сув оқди. У: «Эй жиян, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтгин ва у зотга айтгин, мен учун мағфират сўрасинлар», деди. Кейин Абу Омир ўзининг ўрнига мени одамларга бошлиқ қилди. Озгина турди-ю, сўнг ўлди. Қайтиб келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига кирдим. У зот тўшама солинган тўқима сўрида эканлар. У зотнинг орқалари ва ёнбошларига тўқиманинг изи тушиб қолган эди. Мен у зотга бизнинг ва Абу Омирнинг хабарини бериб, унинг «У зотга айтгин, мен учун мағфират сўрасинлар», деганини айтдим. У зот сув опкелтирдилар. Кейин таҳорат қилдилар, сўнг икки қўлларини кўтариб: «Аллоҳим, Абу Омир Убайдни мағфират қил!» дедилар. Мен у зотнинг қўлтиқларининг оқини кўрдим. Кейин яна: «Аллоҳим, Қиёмат куни уни кўпчилик махлуқотларингдан устун қилгин!» дедилар. «Мен учун ҳам мағфират сўранг», дедим. У зот: «Аллоҳим, Абдуллоҳ ибн Қайсинг ҳам гуноҳини мағфират қилгин ва уни Қиёмат куни шарафли бир манзилга киритгин», дедилар».

Абу Бурда айтади: «Икки(дуо)нинг бири Абу Омир учун, иккинчиси Абу Мусо учун бўлди».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVIDLARI